

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 844-ҳадис

844 - وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
يَقُولُ: «خَيْرُ الْمَجَالِسِ أَوْسَعُهَا» رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ عَلَى شَرْطِ الْبُخَارِيِّ [4820].

844. Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг **«Мажлисларнинг энг яхшиси - кенг бўлганидир»**, деганларини эшитганман».

*Абу Довуд саҳиҳ санад билан, имом Бухорий шартларига биноан ривоят қилдилар.*

**Шарҳ:** Ўтириладиган жойни торайтириб юборилмаслик лозим. Акс ҳолда ўтирганларда норозилик кайфияти уйғониб қолади. Ёки илм мажлиси бўлса, мажлиснинг самараси кетиб қолади. Суннатда мажлисни кенг қилиш лозимлиги айтилган. Чунки унда хайр барака ва ўзаро улфатчилик бор. Ҳамда ўтирганларга роҳат улашиш бор.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

